



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI
O'ZBEKISTON TUMANI HOKIMINING

Q A R O R I

“ 1 ” февраль 20 21 у

Yaypan shahri 75 sonli

“Фарғона Сув Таъминоти” МЧЖга Ўзбекистон тумани захира ер майдонидан тоза ичимлик суви сақлаш иншооти қуриш учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисида.

Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6 ва 23,36- моддаларига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон тумани захира фондига қаршли ер майдонларидан “Фарғона Сув Таъминоти” МЧЖга тоза ичимлик суви сақлаш иншооти қуриш учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисидаги 07.12.2020 йил кунги ҳулосаси тасдиқлансин.

2. “Фарғона Сув Таъминоти” МЧЖга Ўзбекистон тумани ДЗЕ 4 тасвир ҳудудидаги № 292к-контурдаги 0.70 га ер майдони давлат дастури асосида тоза ичимлик суви сақлаш иншооти қуриш учун ажратиб берилсин.

3. Ушбу қарор туман хокими томонидан тасдиқлангандан сўнг тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш “Ягона дарча” марказидан рўйхатидан ўтказиш, тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириб олиш вазифаси “Фарғона Сув Таъминоти” МЧЖ туман бўлими раҳбари М.Мирзороҳимовга юклатилсин.

4. Мазкур қарорга биноан ер балансига тегишли ўзгартириш киритиш ҳамда ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириб бериш туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи А.Ражабовга, ер солиғини ундириш туман солиқ инспекцияси бошлиғи Ж.Қўчқаровга топширилсин.

5. Ушбу қарор халқ депутатлари туман кенгашининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилсин.

6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиб бориш туман хоким ўринбосари И.Нажмиддинов зиммасига юклатилсин.

Туман хокими:



Қ.Джўраев